

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 16 июль • сешанба № 27 (867)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz



Маҳалла
Ватан
ичидаги
Ватан,
юртнинг
гупиллаб
уриб турган
юрагидир

БИЗ учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақилликни байрам қилиш эзгу аънаёнага айланган. 1991 йил 31 август куни Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди: "...Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик кунини, умумхалқ байрами, деб эълон қилишни таклиф этаман..."

Шу тарихий, ҳаяжонли, ёдимизда муҳрланиб қолган воқеага яқинда 22 йил тўлади. Қарийб бир ярим асрлик истибодо, етмиш беш йиллик қизил империя зуғумлари одамларимиз дилини зада қилган эди. Бирдан қасира-қусур қаққок қақиб, оламни қуёш қарақлатиб юборгандай бўлди. Бундай пайтда шошилиб, қарахт бўлиб қолиш тайин. Ислам Абдуганиевич давлатидан сўнг одамлар ўзига келди. Зални гулдурас қарсақлар босиб кетди. Тарихий адолат қадди-қоматини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июнда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарориди бу қутлуғ сана ҳақида сўз бора экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиий.

Байрам кўтаринки руҳда, завқу қувонч, аҳилик ва муносиб тарзда нишонлаш мақсадида республикамизда нуфузли комиссия таркиби тўзилди.



Юртимиз вилоятларида маҳаллалар аҳли билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда

Жамият виждони, демократия дарсхонаси

Мамлакатимизда, унинг ҳудудларида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!", деган широри асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон учун дунё эшиклари очилди. Юртимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олиншини таъминлади. 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик, сиёсий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Мамлакатимизда БМТ, МДХ, ШҲТ ва бошқа кўплаб халқаро тўғрисидаги доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликлар амалга оширилмоқда.

Давлатимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб белгиланган олигинан "Ислохот ислохот учун эмас,

аввало, инсон учун", деган одамларимиз қалбидида эзгу орзу-интилошларни очиб қўйган эди. Ўшанда олижаноб давлат халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қилиш йўлида сафарбар этди. Айниқса, сўнгги йилларда фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини ҳисобланган маҳаллаларни ривожлантириш, мазкур институтнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада ошириш юзасидан зарур ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда маҳаллаларда мазкур муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар қўриш бўйича ишчи гуруҳи тўзилиб, айни пайтда гуруҳ томонидан ҳар бир фуқаролар йиғинида фаоллар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай учрашувлар, аҳоли билан жонли мулоқотлар Бухоро вилояти маҳаллаларида, жумладан, Қогон туманидаги "Беклар", "Янги ҳаёт", "Қогон" кишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди.

Учрашув аввалида "Ўзбекистон — Шарқ дурдонаси" фильми намойиш этилди. Фильмда истиқлол йилларида юртимизда бунёд этилган улуғвор иншоотлар, замонавий қиёфа касб этаётган шаҳар ва қишлоқларимиз, турли хабарларда ҳалол, фидокорона меҳнат қилаётган юрдошларимизнинг жўшқин иш жараёнлари, тарихда из қолдираётган темир йўл қурилишлари ва бунёдкор, серғайрат ёшларимизнинг барча соҳалардаги дадил қадамлари акс этди.

Тадбирларда мазкур фильм намойишидан сўнг Бухоро вилояти бўйича тўзилган ишчи гуруҳи раҳбари, Адлия вазирлиги ўринбасари Анвар УСМОНОВ истиқлол йилларидаги улкан ғалабаларимиз ҳақида фахрий раҳбар билан сўз юритди:

— Юртимизда олиб борилаётган барча жабҳадаги ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Иқтисодий, ижтимоий-маънавий, сиёсий-маърифий йўналишлардаги янгиланишлар ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Хоҳлаган соҳани олигин, масалан, қиш-

лок ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларни олигин. Бу борада ҳам ислохотлар ҳаётбахш самараларини бермоқда. Ер ўзининг ҳақиқий эгаси — уста пахтакору ғаллакор, соҳибкорларга, миришкорларга топширилган, — деди фуқаролар йиғинларидаги юзма-юз учрашувда. — Эндиликда нафақат ғаллага бўлган ўз эҳтиёжимизни тўла қондирмоқдамиз, балки ун экспорт қилаётганимиз барчамизга гуруҳ бағишлайди. Юртимизнинг халқаро коммунистик тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлакларини ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Йирик шаҳарлардаги аэропортлар реконструкция қилинди. Ушундан, сарбаланд, мўтабар маънавий бўлаклари билан баҳра бўлаётган ўғил-қизларимиз эртанги кунимиз, истиқболимиздир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, фарзан-

дларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Қадрлар тайёргарлиги Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳаётга кенг татбиқ этилаётганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Олис кишлоқларимизда қад кўтарётган билим масканлари, лицей ва касб-хунар коллежлари бахтиёр авлодга бағрини очган.

Учрашув чоғида эзгулик бешиги, она Ватан рамзи, халқ виждони, демократия дарсхонаси — маҳаллалар ҳақида муфассал тўхталиб ўтилди. Жумладан, шу йилнинг апрель ойида янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар билан маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди.

Меъёр

Халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартнома

ёхуд универсал характерга

эга ҳужжатларнинг аҳамияти

хусусида

ХАЛҚАРО шартнома ҳуқуқи — давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг шартномалар тузиш, уларни тугатиш борасидаги муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий нормаларининг йиғиндасини ифодалайдиган халқаро ҳуқуқ тармоғидир.

ХАЛҚАРО шартнома томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш учун тузилади. Ушбу шартнома хилма-хил битимларни қамраб олувчи тушунча бўлиб, улар турлича: шартнома, битим, пакт, меморандум, конвенция, декларация, протокол, деб аталиши мумкин. Келтирилган номларнинг аниқ белгиланган маъно-маъмуни мавжуд эмас. Аммо улар қандай номланишидан қатъи назар, барчаси бир хил юридик қучга эга. Одатда улар ёзма шаклда тузилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар ўртасида ташқи иқтисодий ва маданий алоқалар тобора кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Ушбу ўзаро алоқалар, ўз навбатида, бир қатор муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қилади. Зеро, глобаллашув жараёни ҳамда оммавий ҳуқуқнинг бу жараёнларни тартибга солиш борасидаги таъсирининг ортиб бориши давлатларнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштирилишини тақозо этмоқда.

Шу боис, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солидиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқни белгилаш ва амалиётда қўллаш жараёни ҳақида ҳар томонлама илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда халқаро шартномаларни тузиш, бажариш, тўхатиш, тўхатиб туриш ва денонсация қилиш "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва ахдлашаётган бошқа томоннинг (томонларнинг) тили ҳисобланади. Халқаро шартнома субъектларининг келишувига мувофиқ бошқа тил ҳам шартнома тили, деб танланиши мумкин. Халқаро шартнома матни қайси тилда тузилган бўлса, у ушбу шартнома матнида кўрсатилади, унинг аутентиклиги ва расмийлиги белгиланади.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида, "Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлади. Халқаро шартномалар мазмунига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек, бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Муддатига қараб шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлади. Халқаро шартномалар бошқа турларда ҳам тузилиши мумкин", деб белгиланган.

Кўп томонлама шартномалар, айниқса, универсал шартномаларда, одатда, икки сана: шартноманинг умуман қучга кириш санаси ҳамда фақат алоҳида давлат учун қучга кириш вақти кўрсатилади. Бундай шартномалар ратификация қилиниб бўлганидан ва белгиланган микдордаги қилиниб бўлган ратификация ёрликларини қабул учун топширилганларидан сўнг қучга киради.

Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолияти халқаро шартноманинг объекти бўлиши мумкин.

Халқаро шартномалар қуйидаги универсал конвенцияларда кодификациялаштирилган ҳамда ривожлантирилган:

1) "Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида"ги Вена конвенцияси (1969 йил);

2) "Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисида"ги Вена конвенцияси (1978 йил);

3) "Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар тўғрисида"ги Вена конвенцияси (1986 йил).

Мамлакатимизнинг хорижий ҳамкорлар билан шартномавий муносабатларга киришиш амалиёти таҳлилига қўра:

— халқаро шартномавий ҳуқуқ борасидаги битимлар инсон ҳуқуқларига ҳамда демократик тамойилларга мос келади;

— фуқаролик жамияти ва миллатлараро тотувликни таъминлашга хизмат қилади;

— халқаро шартнома ҳуқуқида барча давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларни дахлсизлиги тан олинган;

— куч ишлатиш, қуч билан қўрқитиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалалари тўлиқ ифодасини топан.

Жамшид НУРИТДИНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарориди Мустақиллик байрамини "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" широри остида барча шаҳор, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтириш вазифаси белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Пскент туманида кенг жа-

моатчилик вакиллари иштирокида мустақилликнинг 22 йиллик байрамига бағишлаб маданий-маъри-

фий, ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тадбирда истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, кўна урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври

Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлгани қайд этилди. Юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекис-

тонимизни дунёдаги таарқий тоғдан демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимишга қўйиб, бу марралар нақадар буюк ва масъулиятли эканини чуқур тасаввур қил-

ган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бориш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлиги таъкидланди.

Сўзга чиққан таниқли ҳуқуқшунослар, адиблар, меҳнат фахрийлари, тур-

ли касб эгалари дунё илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоханг бўлиб яшашга, манамен, деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яна бир бор эътироф этдилар.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қад-

рига етиш, миллий ҳамда диний тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини сингдириб бориш муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Таниқли шоирлар ва санъаткорларнинг истиқлолни улуғлаш ва юртни қадрлашга бағишланган чиқишлари тадбирга кўтаринки бағишлади.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҳозир забардаст йигит ёшда. У тутилганда кимга таянди ва қандай йўл танлади, қай даражада ўсиб-ўлғайди ҳамда кимларнинг орқасидан эргашди? Бу жараёнларни ҳушёрлик ва эзгулик билан кузатиб борган инсон сифатида шундай дейишим мумкин: Яратганининг иродасига, халқнинг ақл-идрокига, Юртбошимизнинг қатъий ватъдасига таянган ва ҳеч кимнинг йўриғига йўрғала-майдиغان мустақил йўл танлади, яхшилардан ибрат олиб, ҳар соҳада изчиллик ва қатъиятлик кўрсатиб, тараққиётнинг ойдin йўлига тушиб олди.



Оқилона ва одилона сиёсат

Ватан шаънининг кафолати



БУГУН йигит ёшдаги давлатимизнинг ташқи сиёсатида оқилона ва одилона мустақил қадамларини кўриб, кузатишнинг ўзи кишига завқ бағишлайди ва фикрлашга ундайди. Жумладан, мен бунга муносабат билдирмасам, сиёсий шарҳловчилик фаолиятимга ҳиёнат қилгандай бўлган. Айниқса, ҳар бир долзарб халқаро масалаларда ўзбекистон бировларнинг ногорасига ўйнамасдан ёки қандайдир манфаатларини кўламасдан тўғри ва ҳолис йўлни танлаётганлиги ҳар биримизда мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги нисбатан фарқ-иқтидор туйғусини кўчатирибди. Ваҳоланки, бугунги дунё сиёсатини бошқаришда устуник қилганга айрим давлатлар юзага келган вазиятдан ёки ўз манфаатларидан келиб чиқиб, у ёки бу масалаларга баҳо беришда ўз ёндашувларини ўзгартириб туришди. Бунга Яқин Шарқда, Афғонистондаги, Суриядаги вазиятларда ва бошқа жойлардаги долзарб халқаро масалаларга ёндашувларда кўриб туришимиз.

Келинг, биргина Афғонистонда юзага келган вазиятни ёндашув масаласини олиб кўрайлик. Ўзбекистон раҳбари бу муаммага дастлаб БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 48-сессияда сўзлаган ўтказдан жохон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Шундан кейин бўлиб ўтган кўлаб халқаро анжуманларда Ўзбекистон ўз амалий тақлифлари билан қатнашди. Президентимиз ҳар сафар бу тақлифларни асослаб берди. Шундай халқаро учрашувлардан бири Тошкентда ўтказилди. Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни қурол қучи билан бартараф этишга қарши. Бу инкирозни бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб қанчалик қийин бўлиши, қарама-қарши қўлларни музокара орқали ўзаро қилишга олиб келишидир. Бунинг давлатимиз раҳбари нафақат Афғонистонга қўшни бўлган давлатларга, балки АҚШ, Россия, Европа Иттифоқига аъзо давлатларга ҳамда БМТ ва НАТО вакиллари ҳам уқтириб келмоқда.

Гап Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонга, яъни иймон-этиқоди, урф-одатлари, маданий-маънавий қадриятлари бир, ўтган улуғлари билан бирдай фахрлини, улар қол-

дирган бой меросдан бирдай баҳраманд бўлаётган қардош халққа нисбатан олиб бораётган сиёсати ҳақида борар экан, Президентимизнинг 2013 йил 9 май куни Тошкентдаги Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан сўхбатда айтган қуйидаги сўзларини эсламаслигимиз мумкин эмас: **“Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукумати қўлаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади.**

Бундай ёндашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган қонуналар билан муҳрлаб қўйилган.

Айни шундай сиёсатни олиб боришим:

- кимнингдир ўйинларига қўшилмаслик;
- қўшилларимиз билан тинч-оқоштира яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш;
- яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда”.

Халқро ҳаётда кўриб туришимиз, мустақил сиёсат юритмаслик, яъни ташқи сиёсатда бировларнинг йўриғига йўрғалаш ёки ҳарбий-сиёсий бирлашмалар таркибиде ўзгаларнинг “ўйини”га ўйнаш давлат учун ҳам, халқ учун ҳам ноҳуш ҳолатларни юзага келтиради. Бир мисол. Мен Грузиянинг Тбилиси ва Телави шаҳарларида бўлганман. Грузинлар бағрикенгликда, меҳмондўстликда, кўнгил очикликда ва бировларга яхшилик қилишда тенгсиз халқ. Телавидан Тбилисига борадиган поездга улгурмай қолдим. Мен қандай қилиб бўлишимиз жўнатинлар, деб илтимос қилдим меҳмонлардан. Улар бир гуруҳ бўлиб менга маҳаллий аэропортга олиб боришди. Кичик бир самолёт моторини қидириб, парвозга шайлаб турган экан. Улар учувчини пастга туширишди. “Мана бу йўловчининг олиб кетасан”, дейишди унга. “Жой йўқ”, деди учувчи. “Бирорта бирдай фахрлини, улар қол-

кейинги рейсда кетади, бу киши меҳмон”, дейишди улар ва учувчига йўлқира ҳақини ўзлари беришди. Мен ҳар сафар Тошкентнинг энг узун ва ўзгал кўчаларидан бири — Шота Руставели бўйлаб транспортда юрганимда ўша ақойиб грузинларни эслайман.

Ҳозир Грузия давлати ва грузин халқи жуда оғир давларни бошидан кечирмоқда. Ички қарама-қаршиликдан ташқари ташқи сиёсатда ҳам мустақил йўл танламаганлиги ўзининг ноҳуш асоратини бермоқда. Бошқаларнинг “ўйини”га ўйнаганини оқибатида бу давлат ҳам Афғонистонга қўшин киритди. Энди бунинг жабрини тортмоқда. Албатта, грузин йигитларининг ўз ватанларини ҳимоя қилиб жон беришлари бошқа-ю, ўзгалар юртида “босқинчи” сифатида нобуд бўлишлари бошқа. Шуларни ўйласак, Ўзбекистон юритаётган мустақил ташқи сиёсатининг янада қадрига етмас ва Яратганга шукроналар айтмас.

Шу йилнинг 13 июнь куни Қозғистон Республикаси Президентини Нурсултон Назарбаев расмий таширф билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музокарада Ўзбекистон — Қозғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрафчи муҳокама қилдилар. Икки давлат раҳбарлари журналлар билан учрашувда қозоқ ва ўзбек халқи азалдан дўст, қон-қариндош бўлиб яшаб келганини қайта-қайта тақдорлаб ўтишди.

Азалдан ўзбек халқи яхши ниятда юртимизга таширф буюрган ҳар бир инсонни нон туз билан қутиб олган. Дўстлар учун юртимиз дарвозаларини доим очиб. Бу мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати.

Юртбошимиз шу йил Хотира майдонидеги сўзиде таъкидлаб ўтганидек, бугун эл-юртимиз ўз тарихида бошидан кечирган мисли қўрилмаган сино ва суронли қўлларни яна бир бор ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, ишончимиз қомил — Ўзбекистонимиз ўз озодлиги, ўз қадр-қиммати учун ҳамиша мардлик ва матонат кўрсатиб келган, ҳеч кимга бош эгмаган ва ҳеч қачон бош эгмайдиган.

Шу йилнинг 12 июнь куни Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига таъйиригалик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”**ги Қарори эълон қилинди. Бугунги кунда энг улуг, энг азиз айёмимиз Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига ҳар бир қишлоғу шаҳарда катта таъйиригалик ишлари олиб боришмоқда. Қарорнинг мазмун-моҳиятини халққа тушуштириш борасида зиёлиларимиз ҳам ОАВда қишқарил қилмоқда. Юзма-юз мулоқотлар уюштирмоқда. Қарорнинг мазмун-моҳиятига ҳамоҳанг тарзда илгари сурилган **“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”**, деган шир асосий гоё сифатида халқимиз қалбиде ақл-садо бермоқда. Бунинг халқимиз яратиш ишчи билан яшамоқда. Бунинг замирида тинчлик ва оқошчиллик ётганлигини унутмаслигимиз керак.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Семинар Электрон кутубхона ҳуқуқий саводхонлиқни оширади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ билан Европа Иттифоқи ҳамкорлигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларига қўмаклашиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

2011 йил сентябрдан бошланган мазкур уч йиллик лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнига қўмаклашиш, одил судлов жараёнида қатнашаётган давлат идораларининг жавобгарлигини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, лойиҳанинг амалий чоралари сифатида юридик адабиётларнинг электрон кутубхонасини яратишдан иборат.

Европа Иттифоқи вакиллари

ҳамда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Олий суднинг Таъкидот маркази ҳамкорлигида ўтказилган семинар юридик адабиётларнинг электрон кутубхонасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди.

Семинарда таъкидланганидек, электрон кутубхонанинг яратилиши аҳолига суд қарорлари, ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги, яъни жиноят, фуқаролик, ҳужалик, маъмурий ва халқаро ҳуқуқ



йўналишларидаги хорижий ва маҳаллий махсус адабиётлар, Германия, Франция, Австрия, Россия каби хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари, юридик энциклопедиялар ва ҳуқуқ соҳасига доир бошқа маълумотлардан фойдаланишга имконият яратди.

Бундан ташқари, электрон кутубхона “LEX.UZ” — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси билан интеграцияланган-

лиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур семинарда Германиянинг “С.Н.Бек” номи йирик электрон нашриёти халқаро меҳнат оливер Гстахнинг маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, унда қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Тизим тадбирлари Ахборотдан фойдаланиш эркинлиги изчил ҳамкорликни талаб этади

САМАРҚАНД вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлимаси ҳамкорлигида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг 20 мартда имзоланган **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойишга асосан яратилган ҳуқуқий эксперимент субъектлари — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этиди.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлмиш ислохотлар даврида суз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда ОАВ ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичи жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Семинарда қайд этилганидек, биринчи босқичда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиклик режимида фаолият кўрсатишга доир регламентларига ишлов берилган ва кенг жамоатчилик бу ҳақда хабардор этилган бўлса, тағдида асосий босқичда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бошқа ахборотдан фойдаланувчилар фаолиятини Эксперимент ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил этиш, ҳокимият, бошқаруви тузилмалари фаолияти очиклигини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакллари ва усуллари ишлов бериш, шу жумладан, ушбу тузилмалар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш масалалари ҳамда жамоатчилик учун қизиқарли бўлган бошқа масалалар бўйича интервью, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш белгиланган.

Ўқув-семинарда эксперимент субъектларининг фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ягона марказлашган маълумотлар базаси яратиб орқали белгиланган мuddатларда архив ва ахборот кутубхоналарига тақдим этиш тартиблари ҳамда мазкур маълумотларни масофадан турган ҳолда интернет хизмати орқали узатиш усуллари ҳақида фикр алмашилди.

Оила дорилфунуни оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилмоқда

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ “Никоҳ уйи”да вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан “Оила дорилфунуни” мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

ТАДБИРДА таъкидланганидек, мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ватанпарварлик, бурча сadoқат, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби олижаноб туйғуллар, авваламбор, оилада вужудга келади ва инсоннинг эзгу фазилатлари, дунёқарши, ҳаётга бўлган муносабати дастлаб оилада шаклланади.

Давра сўхбатиде, иштирокчилар мамлакатимизда никоҳга доир муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, оиланинг муқаддаслиги ҳамда жамиятда тутган ўрни, никоҳ ва унинг шартлари, ёшларни зарарли одатлардан сақлаш ҳамда ёшларни оилага таъйиригалик мавзусида ўзаро фикр алмашилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Реклама ўрнида Сармоялар ўз натижаларини бермоқда Бу “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки Қўқон филиали фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

ТЕЗКОР ва сифатли хизматлари билан миқозлар хурматини қозонган “Асака” банк Қўқон филиали бугунги кунда 50 000 нафардан зиёд миқозларга турли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Мазкур банкда миқозлар учун кенг имкониятлар ва қўлай шарт-шароитлар яратилган.

БАНК филиали томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Банк филиали томонидан 2013 йил 1 июль ҳолатига иқтисодий тармоқлари ривожига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 19,5 миллиард сўмдан ошди. Бунинг асосий қисмининг узок мuddатли кредитлар ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга банк филиали томонидан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларни самарали йўналтириш бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда. Мазкур соҳа ривожига 2013 йил биринчи ярми давомида 7,1 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнес субъектларига банк томонидан ажратилган кредитлар ҳам ўз самарасини кўрсатди. Ундан самарали фойдаланилиши натижада 102 нафар янги ишчи ўрни яратилди, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми ортди ва сифати яхшиланди.

Ёшлар — юрт таянчи. Ёш оилалар эса обод турмушимиз сарғайишларидир. Банкнинг беғараз ёрдами туфайли мустаҳкам оила шаклланишига асос солинади. Бунинг билан банк жамоаси жорий йил биринчи ярми давомида ёш оилаларни қўлаб-қувватлаш мақсадида 22 та ёш оилага 623,1 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратди. Улар бу маблағлардан ре-

жали-оилавий шароитлари ва турмуш тарзларини янада яхшилаш мақсадида уй-жой сойтиб олишда фойдаланишди. Бундан ташқари, 13 та ёш оилага истеъмол товарлари сотиб олиш учун кредитлар ажратилди, 4 та миқозга эса микрокредит маблағлари берилди.

Коллеж битирувчилари ҳам банкнинг ишончли миқозларига айланган. Уларнинг ибратли ҳаракатлари ва истиқболли лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш мақсадида 6 нафарига ўз бизнесини ташкил этиш учун 114,0 миллион кредит ажратилди. Натижада, 6 нафар йигит-қиз ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади ва аҳолига сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада, янги ишчи ўринлари яратилди, уларга асосан ёш мутахассислар жалб этилди. Истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда, кичик бизнес вакиллари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналари ҳам қўйилмоқда. Шу билан биргаликда фермер ҳўжаликларига қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сотиб олишлари учун ҳам кредитлар ажратилмоқда.

— “Асака” банк Қўқон филиали тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўйган, — дейди “Раш текстиль” МЧЖ раҳбари Шавкатжон Алимов. — Ундан қўлар фойдаланиб, янги иш ўринлари яратмоқда ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини оширмоқдалар. Бизнес “Раш текстиль” масъулияти чекланган жамиятимиз Қўқон шаҳри сановатида ўз ўрни ва мавқеига эга. Бунда эса ишончли ҳамкоримиз бўлган “Асака” банк Қўқон филиали жамоасининг рол

ҳам каттадир. 2010 йилда мазкур банкдан имтиёзли шартларда кредит олиб, ўз фаолиятимизни замон талаблари асосида ташкил этдик. Банк кредити ҳисобига сифатли хомашў сотиб олиб, ишлаб чиқариш қувватини оширишга ва 10 та янги иш ўрни яратишга эришдик. Жамиятимизда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларини шаҳримиздаги истеъмолчиларга етказдик ва ички бозорни тўлдирishга ўз ҳиссамизни қўшдик. “Обод турмуш йили”да халқ фаровонлигини таъминлаш, яшаш ва турмуш шароитларини янада обод этиш ишига ҳисса қўлишни мақсад қилганмиз. Бизнесинг бу мақсадини амалга оширишда “Асака” банкнинг Қўқон филиали қўлаб-қувватлашига ишонамиз. Банк кредити ҳисобига янги бўёқ цехи, тикув цехлари ташкил этамиз, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйамиз. Натижада, янги ишчи ўринлари яратилди, уларга асосан ёш мутахассислар жалб этилди. Истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда, кичик бизнес вакиллари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналари ҳам қўйилмоқда. Қўлар қатори биз ҳам бу ишончли ҳамкоримиздан миннатдормиз.

“Асака” банк Қўқон филиали жамоасининг жорий йилда амалга оширишни қўлаётган режалари катта. Хусусан, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ишлари учун 11,0 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиб режалаштирилган. Оилавий тадбиркорликни тараққий эттириш мақсадида уларга 400,0 миллион сўм кредит ажратиб қўзда тутилган. Бу маблағлар эса асосан шахсий томорқада паррандачилик, богдорчилик, иссиқхоналар ва чорвачиликни ташкил этиш учун йўналтирилди.

(Ўз муҳбиримиз)

ГИЁҲВАНДЛИК — иллат эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу боис унга қарши курашиш қўлаби тобора ортмоқда. Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани судида бўлиб ўтган очик суд мажлисида гиёҳвандлик ҳолатларидан бирига ойдinлик киритилди.

ИЗБОСҚАНЛИК Аҳмаджон Усубалиевнинг икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. У ҳайдовчилик орқали рўзгорини яхшигина тебратиб юрган эди. Лекин аввалдан ўрганган кўнгил ўртанса-да, қўймади. Оғу ҳумори уни жиноятга етаклади. Аҳмаджон ўз бошқарувидаги шаҳар санитар-тозалов автокорхонасига тегишли юк машинасида Хўжаобод туманининг Кўтарма қишлоғи ҳудудида кетиб борарди. Шу пайт йўлда рейд тадбири ўтказиётган туман ҳуқуқ-тартибот ходимлари унинг машинасини тўхтатиб, ҳўжатларини сўради. Аҳмаджон ҳўжатларини беришга берди-ю, негадир безовталана бошлади.

Заҳри қотил ҳумори жиноятга бошлади

— Бирор ерингиз оғриятими? — сўрашди ундан нозирлар.

— Йўқ, — деди Аҳмаджон, — чарчабман, шекилли.

Аммо ҳўшёр нозирлар ҳолислар иштирокида унинг эғнидаги либосларини текшириб қўришганда шимининг чўнтағидан 1,63 грамм гиёҳли моддаси топилди. Хўш, бу ажал уруғи унинг чўнтағига қаердан келиб қолди?

Қаҳрамонимиз қўнларнинг бирида шахсий иш билан Ҳаққулбод шаҳридаги бозорга боради. Бу ерда у тирикчилик қилиб юрадиган Баҳодир исмли йигит билан танишиб қолади. Ёнида олиб юрадиган оғуздан баъзан ўзи ҳам “тортиб” турадиган Баҳодир Аҳмаджонга чекишни тақдир қилади. Шун-

Гиёҳвандлик — иллат



да гиёҳванд моддалар истеъмолини анча вақт аввал тўхтатган Аҳмаджон шериғи берган оғуни тортиб қўради. Уйига қайтган, бир неча кун ўтиб, яна “дори”нинг ҳумори тугади. Шундан кейин Аҳмаджон Ҳаққулбодга — Баҳодирни излаб йўлга тушади.

— Дори борми? — сўрайди у таниши билан қўришди.

Баҳодирда гиёҳванд модда борлигини билган, икки орада савдо бошланади. Баҳодир бир зумда аллақерга бориб келади ва Аҳмаджонга ўн бешта целлофанда қадоқланган гиёҳнинг ҳар бир қадоғини 10000 сўмдан жами 150 000 сўмга сотади. Шу тариқа Аҳмаджон оғуни чўнтағига солиб, ортга қайтади.

Олинган ашёвий далил эксперт ҳулосалари натижасида инсон саломатлиги ва ақлий фаолиятига салбий таъсир ўтказиши аниқланди. Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани судида қўрилган ушбу масала юзасидан гувоҳларнинг берган қўрсатмалари ва ашёвий далиллар Аҳмаджон Усубалиевнинг айбини тўла исботлади. Ичиш ва чекишга мубтало бўлганлиги, ўзи яхши билмаган кимсанинг алдовига учгани боис у ҳам ҳаменидан айрилди, ҳам номақбул ҳариди учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Халқимизда қилимиш — қидириш, деган ақойиб нақл бор. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзининг босган қадами, қилган ишига қараб роҳат ёки таъшишга йўлиқади.

Нозимжон УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Хўжаобод тумани суди раиси,

Шўҳратбек МУСАЕВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Қулайлик

Янги ФХДЁ бўлими
фуқароларнинг ўзоғини яқин қилмоқда

МАЪЛУМКИ, 2011 йил 30 декабрда Вазирлар Маъкамасининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ мамлакатимизнинг туман марказларидан олиш ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида янги ФХДЁ бўлимлари ташкил этилди. Шулардан бири Поп туманидаги 2-сонли ФХДЁ бўлими бўлиб, у 2013 йилнинг 10 мартидан М.Умрзоқов номидаги ҚФЙда ўз фаолиятини бошлади.

4 ТА ХОНА ва 1 та тантанали ниқоҳ залга эга бўлимимиз туманининг М.Умрзоқов номидаги, "Пунгон", "Чодак", қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда "Олтинкон" шаҳарча фуқаролар йиғинлари-

да яшовчи қарийб 70 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади.

Янги ФХДЁ бўлимининг ташкил этилиши оқориданги ҳудудларда яшаётган ҳамюртларимизнинг ўзоғини яқин қилди. Масалан,

"Чодак" қишлоғи фуқаролари туман маркази — Поп шаҳридаги ФХДЁ бўлимига 45 километр, "Олтинкон" шаҳарчаси фуқаролари эса 52 километр йўл босиб боради. Энди эса бу масофа 25-32 километрга қисқарди.

Фаолиятимизнинг дастлабки кунлариданоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Улар билан эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги ниқоҳ ҳамда шаръий ниқоҳнинг олдини олиш борасида келишиб олинди. Бундан ташқари, Ғурумсарой

иқтисодиёт коллежи ва Ғурумсарой қишлоқ хўжалик коллежида "Эрта ниқоҳнинг олдини олиш", "Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш" мавзуларида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Мудоффа вазирлигининг 07648-сонли ҳарбий қисмида Наманган ҳарбий прокуратураси, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман бандликка қўмаклашиш маркази, "Қамолот" ЁИХ туман кенгаши, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Поп тумани вакиллиги ҳамда 2-сон ФХДЁ бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир эса "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига бағишланди.

Гулнора АЛИМОВА,
Поп тумани 2-сон
ФХДЁ бўлими мудир

Суд департаменти

Мақсад ва вазифа
малакали кадрлар тайёрлаш

МАЪЛУМКИ, бугунги кунда суд департаменти тизимида кадрларни танлаш, айниқса, суд ижроси лавозимига тайинлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борадаги ишлар Суд департаментининг кадрлар бўлими ва ҳудудий бошқармалардаги кадрлар бўйича масъул ҳодимлар зиммасига юклатилган бўлиб, кадрларни танлаш ва жойига қўйиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2006 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, ҳодимларни

лавозимларга танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги, "Суд ижроси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тўғрисида"ги ва "Суд ижроси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тўғрисида"ги буйруғи таллаблари асосида олиб борилади.

Суд ижроси лавозимида ишлаш иштиёқи бўлган олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Суд департаментининг

ҳудудий бошқармаларига белгиланган тартибда ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади ва ҳудудий бошқарма ички хавфсизлик инспекцияси томонидан уларнинг номзоди ўрганилиб ижобий хулоса берилган Суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлигининг буйруғи билан дастлабки захирга киритилади.

Катта суд ижроси лавозимига эса амалдаги захирадан ишга қабул қилиниб, ушбу лавозимга суд ижроси сифатида камиди бир йил ишлаган ҳодимлар катта суд ижроси лавозимига захирага олиниши мумкин.

Битта бўш катта суд ижроси ёки суд ижроси лавозимига камиди иккита номзод Суд департаментининг марказий а-

паратиди Адлия вазирли томонидан тасдиқланган комиссия таркиби асосида суҳбат йўли билан танлаб олинади.

2012 йил давомида Суд департаментининг марказий аппаратида 19 маротаба танлов ўтказилиб, 298 та ёш, малакали мутахассис катта суд ижроси ва суд ижроси лавозимларига ишга қабул қилинди. Суд департаменти тизимида ишлаб келаётган 7 нафар ҳодим Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига асосан судьялик лавозимига тайинланди. 140 нафар ҳодим эса юқори лавозимларга ўтказилди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда бизнинг асосий мақсадимиз етарли билим ва амалий тажрибага эга бўлган, ҳалол, пок, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан бажардиган кадрларни тайёрлаб, улар Суд департаменти тизимида самарали меҳнат қилишларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.

Баҳодир МУСАЕВ,
Республика
Суд департаментининг
кадрлар бўлими
бошлиғи

Хурматли юртдошлар!

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат
банки (очиқ акциядорлик жамияти)

қуйидаги мақсадларга:

- Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- Оилавий тадбиркорликни ва хунармандчиликни ривожлантириш учун;
- Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

кредитлар ажратади.

Кредитларни “Асака” банк (ОАЖ)
барча филиалларида
расмийлаштиришингиз мумкин.



“Асака” банк (ОАЖ) филиаллари кредит
бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилояти филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилояти филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилояти филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-15-32	Фарғона вилояти филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилояти филиали	8-365-223-11-15	Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34	Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилояти филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилояти филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82	Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилояти филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	8-366-233-63-82	Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68	Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сурхондарё вилояти филиали	8-376-770-82-20	Жиззах вилояти филиали	8-372-226-34-90

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

“Асака” банк (ОАЖ) кўп каналли ягона
“ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” рақами: (8-371) 120-82-88.

“Асака” банк (ОАЖ) — обод турмуш ва
фаровон кўёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

Учтега туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шайхонтоҳур туман 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хамза туман 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўртўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қорақўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қонғи шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пешку туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вокент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти

Жиззах шаҳар 2-сон нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиқўб туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ғўзор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти

Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти

Қўшиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти

Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Беҳарик туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти

Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалик шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оқанарон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўйинрилган шахсий ариза;
4. Моҳият даражасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Таълибдорнинг малака имтиҳонини топирилганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўнра (малака имтиҳонини топирилган, лавозин нотариус лавозимига ўй йил жойида ишлаганги талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топирилганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўнра);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвифнома.

Танловда йитира беш бешдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камиди ўй йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтказган, малака имтиҳонини топирилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 15 август)

Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ноч) 183, 184, 185.

Реклама ва эълонлар

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "YAKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI" адвокатлар ҳайъати адвокат Брагин Юрий Михайловичга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000234 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 630-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макomini тўғрисида.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 июнида
Ўзбекистон
Мамбурут ва солиқот
олишларига
0001-рақам билан
рухсатнома олишган



Бош

муҳаррир:
Қўқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Рақибова Маяжуда
Абдуллаева
Қўқор Тоғоев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич

Очилов Алижон Муҳлисович
Султонов Алимкул
Тошбекович
Мамадалаев Зайниддин Очилов

Нашр баччи:

Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Нашр яндекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет
усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-7595. Тиражи — 17278.
Босишга топириш вақти — 21.00 Топирилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:

100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31.
Факс: 233-84-30.
Бахорини қилишган нақарда

1 2 3 4 5